

**«АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ
ИЖОДИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК
ДАВРИДАГИ
ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ»**

**2019 йил 11 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган
Республика илмий-назарий конференцияси
материаллари**



“ЎТКАН КУНЛАР”ДА ДЕВОНА ОБРАЗИ ТАЛҚИНЛАРИ

(Қовоқ девона ва Тўйбека образлари)

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи бадиияти ва абадиятини таъминлаб турган муҳим воситалардан бири унда фольклор образлари ва халқ донолигига хос унсурларнинг сингдирилганидир. Романдаги ҳар бир образ ўз вазифасига кўра, қайсидир узвлари билан халқ бадиий тафаккурига бориб боғланади. Бу жиҳат ошиқ-маъшуқа-рақиб учлигидан тортиб, эпизодик образлар, кичик персонажларгача халқ донолигига хос сирлилиқ ва бадиий тимсоллар кесимида акслантирилган. Қуйида романдаги шу тип образлардан иккитаси хусусида мухтасар сўз юритамиз.

Романдаги Қовоқ девона образи том маънода халқ донолигини мужассам этган образ. У бор-йўғи асарнинг бир фаслида, юзаки қарашда, эпизодик планда кўринади, холос. Аммо, шу қисқа эпизоддаёқ, Қовоқ девонага хос талайгина диний, умуминсоний, ғайриоддий, бир сўз билан айтганда, халқона ҳолат ва фазилатлар мужассамланган.

М.Бахтин роман жанридаги айни тип образлар тўғрисида шундай ёзади: “Романнавис воқелиқни бадиий идроклаш позициясида бўлгани каби, уни тасвир этишдаги позициясини белгилашда ҳам, қандайдир мукамал шаклий-жанрий ниқобга эҳтиёж сезади.

Худди шу жойда, албатта маълум шакл ўзгаришларига учраган ҳолда, масхара ва телба ниқоби романнависга ёрдамга келади. Ушбу ниқоблар ўйлаб топилмаган. Уларнинг илдизлари халқ ижодиёти теранлиқларига бориб тақалади” (таъкид бизники – У.Ж.).

“Ўткан кунлар”нинг “Қовоқ девонанинг белбоғи” деб номланган фасли: “Оч қоринга салимсоқ еб, кўкчой ичишдан зериккан кишилар чойхонага Қовоқ девонанинг кириши билан унга сўз қота қолдилар” тарзидаги комик тасвир билан бошланади. Ушбу фасл девонага доир уч жиҳатни намоён этади. Биринчиси, унга берилган муаллиф тавсифи бўлиб, бундан биз Қовоқ девонанинг жамият аро қандай мақомга эгаллиги, феъл-атвори ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўламиз: “Бу девона Тошканднинг барчасига маълум; беклардан, бойлардан; қисқаси, шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар ортдирган ва кишилар тарафидан қилган кароматлари ривоят этилган бир мажнун эди. Шаҳардаги ҳар ким унинг ошнаси, каромати билан бепарво бўлганлар ҳам унинг ҳаракатларига ва тутал сўзларига қизиқар эди. Бу чойхонадагилар ҳам шу кейинги синфдан эдилар”, -деб ёзади у ҳақида муаллиф. Иккинчидан, муаллиф девонанинг чойхонадаги “кейинги синф” билан мулоқоти воситасида икки нарсани бадиий асослашни назарда тутаяди, яъни мулоқот асносида девона характери чуқурроқ ёритади ва “қовоқларнинг касби”ни айттириш орқали (пировардида қовоқни ўғирлашдан мақсад ҳам шу бўлиб чиқади) ижтимоий тузумдаги улкан иллатларга ишора қилади.

Асардаги муҳаббат линиясига бевосита алоқадор, Қовоқ девонанинг халқ кулги маданияти ва кароматгўйлик (эзотерик) хусусиятларини яққол кўрсатадиган жиҳат эса учинчи – “кўз оғриғи” билан мулоқот саҳнасида очилади. Маълумки, халқимиз орасида “девона” дейилганда ақли паст, тентак назарда тутилмайди. Аксинча, Ҳаққа яқин, яқинлиги боис Унинг эркатойига айланган, авлиё зотлар тушунилади. Фақат улар жамият ичра ўзларини ҳақир ва телба қилиб кўрсатадилар. Аммо шунда ҳам халқ уларнинг кимлигини жуда яхши ҳис қилади. Қовоқ девонада ҳам машрабона (қаландарона) телбалиқ билан аҳли харобот ва маломатийликка хос хусусиятлар уйғунлашиб кетган. Шунинг учун халқ бу девонасини севгани каби девона ҳам ўз халқига кироийи меҳр билан қарайди. Сўкканда оғритмай сўкади, қарғаганда эса меҳр билан қарғайди. Қодирийнинг Қовоқ девонаси баъзи жиҳатлари билан М.Бахтин қайд этган телбани эслатса-да, биз кўрсатган хусусиятларига кўра, Европа романидаги айни типдан фарқланади, ҳатто анчайин юқори мақомда туради.

Девонанинг қалб кўзи очиқ. У ёвузликни бошқалардан кўра олдинроқ, нозикроқ илғайди. Чойхонадаги ҳангомалар тугаб, Қовоқ девона ўз “мухлислари” кўлидан “аринг қочиб қутилган”-

дан кейин унинг ортидан "кузини боғлаган" бир киши эртасида, дёвона уни (ёвз ниятда келган Содикни), гаръи биринчи бор урчариши бўлса-да, дарҳол "танийди". Муаллиф бу ҳақда: "Дёвона ўзига қараб келгүчү қуз офринини танийди" (таъқид бизники – У.Ж.), - деб ёзар экан, уни қабқдан, қай йул билан таниганига изоҳ бериб ўтирмайди. Асарини зукко бир халқ учун ёзаётганини, бу халқнинг ортиқча изоҳга эмаслигини яхши билади.

Дёвонанинг "қуз офри" билан мулоқоти унинг бошқалар билан қилган мулоқотларига сира ўхшамайди. У энди, бир думалаб, қаромат ўй дёвона, "тутал" сўзловчи телбадан Насриддин афан-дига айланган олади. "Қуз офри"нинг ёмон ниятда берган барча саволларига савол билан жавоб қайтаради:

"- Ҳали, қим ўғлини уйлантирди, дединг?
- Ким уйлантирди, дединг?
- Айтдинг-ку чойхонада..
- Айтдинг-ку чойхонада..
Лозим ўринда у билан ғайримантлик сўз уйинини ўйнайди:
Содик: - Юсуфбей қайси ўғлини уйлантирди?
Дёвона: - Нечта ўғли бор?
Содик: - Нечта ўғли бор?
Дёвона: - Бозордан ош олиб берсам ёйсанми?
Содик: - Дёвона: - Битта... Қоратегиндан келдингми, опанг омонми?
Дёвона: - Юзингга қачон чечак чикди?"

Қовок дёвона ёвзликка муносоиб тарзда жавоб беради. Шайтанат хизматида бўлган Содикнинг бермоқчи бўлган назаридан ҳам, тақлиф этган таомилдан ҳам юз ўтиради (ҳазар қилади). Шу тариқа пинҳона ёвзликни яқкама-яқка олишувда маълумб этади.

Реал воқеликда қузатган бўлсангиз, нурга яқин турган одамнинг сояси улкалалаша, ундан узоқлашганинг сояси қичрайиб бораверади. Инсон, чин маънода, Оллохнинг ердати сояси (халифаси)дир. Қовок дёвона эса бу ҳақиқатнинг ёрқин бадиний далили, десак хато қилмаймиз. У моҳиятдан Оллохга, унинг нурига яқин образ. Шу боис унинг асар оламидаги камрови ҳам ўта

улкиан. Романдаги Ўйбека образи ҳам ўзига хос. Бир оз тупорирок, содда-баёвроқ бўлиб қўрина-диган бу аёлга Қовок дёвонага хос фазилатлар ҳам йўқ эмас. Хулди Қовок дёвона Содикни бир қўришда танигани сингари, Ўйбека ҳам Отабек (ошик)ни илқ урчарувдаёқ "таниб олади". Чун-ки бу оилада факат ўғли, хизматкор сифатида номмақрамдан қочмас, ташқари ховли сирари-ни билишга маҳрам (Қодирийга у айнан шунинг учун керак) эди. Хуллас, у меҳмонлар орасида ажралиб турган Отабекнинг факат қумушга муносоиблигини қаромат қилади ва дарҳол бунинг хабарини беради:

"- ...Наҳ бизга қувя бўладиранг йигит экан, - деди ва қумушка қараб қулиб қўйди. Бу сўздан Оғтоб оғим ҳам қулимсираб қизига қаради..."

Кейинроқ, меҳмонларни қузатиб, яқарига қирган кутидор ҳам бу гапдан воқиф бўлади:

"- Тенгалининг ақли бало, - (дейди у эркалаш оҳангига), - қройи қувянинг шундоғ бўлса..."

Шу тариқа Ўйбека романдаги ўзига юкланган асосий вазифасини бажаради.

Хуллас, икки эпизодик образ бадиний фаоллиятининг мухтастар таҳлили кўрсатадики, Абдулла Қодирий халқ руҳияти, характери, факат халқкагина хос бўлган азотерик хусусиятларини нозик илганган. Илгангина қолмай роман дунёсига сингдириб юборишга эришган. Бунинг учун халқо-на нуктаи назар, халқона баҳо ва тақин, психологик ҳолатлар таҳлили, диалогик ўйинлардан унумли фойдаланганки, бундай образлар прототиплари ўзбек халқи маърифий-бадиний оламида ҳамона шайб келади.

3	Наим Каримов. Абдулла Қодирий ва Ойбек: ижодий муштараклик
11	Бахтиёр Назаров. Қодирий хажвийётининг бадиий қудрати
17	Иброҳим Ҳаққулов. "Меҳробдан чаён" романида маънавий мағлубият тасвири
23	Илудшошхўжа Солижонов. Ўзбек насрида муаллиф нутқининг шаклланиши ва Абдулла Қодирий ижоди
26	Дилмурод Қуронов. "Ўткан кунлар": рецеттив муаммолар
29	Баҳодир Каримов. "Жинлар базми"нинг икки нуسخаси ҳақида
32	Қурдош Қаҳрамонов. Бадиий сўз қудрати
35	Ақбарали Сабирдинов. Абдулла Қодирийнинг кичик асарларида давр муаммолари таққини
37	Сувон Мели. Салбий қаҳрамон полифонияси ("Ўткан кунлар": Хомид, Мусулмонқул)
43	Шоира Аҳмедова. Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий қарашларига оид баъзи мулоҳазалари
46	Ўзоқ Жўрақулов. "Ўткан кунлар" да девона образи таққинлари (Қовок девона ва Туйбека образлари)
48	Исломжон Ёқубов. Абдулла Қодирий насрининг ботиний маъно қатламлари
52	Файрат Муродов. Романда сарлавҳанинг бадиий-поэтик вазифалари
54	Қодиржон Эрташев. "Меҳробдан чаён" романида баён тарзи
59	Тозатул Матёқубова. Яхшиларнинг рост сўзи
62	Ўлиноз Сатторова. Замонавий ўзбек қиссасида Абдулла Қодирий сиймоси
64	Мархабо Қўчқорова. Тошўлат тажанг ва Қалвак маҳзума адабий пародия
68	Мирхожиддин Жамолдинов. Абдулла Қодирий сатирасида миллий анъана ва қадриятлар таққини
70	Юлдуз Қаримова. «Ўткан кунлар» ва «Эрк» - элднинг уйлиқ
75	Барно Ҳасанова. Асқад Мухтор ва Абдулла Қодирий
76	Илудш Раҳматов. "Ўткан кунлар" романида характер вратишда халқ мақолларининг ўрни
82	Феруза Ҳабибуллаева. Отражение характера и ситуации в русскоязычных переводах романа А.Кадры "Минувшие дни"
87	Комилжон Ҳамраев. Қодирий ҳикояларида бадиий композиция типологияси
90	Меҳрибон Ёлғорова. Ҳаётини ҳақиқат, бадиий ҳақиқат ва архив ҳужжатлари
98	Ўлжаҳон Намозова. Ёзувчи ижодий концепциясида ижтимоий муаммолар таққини